

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакесва Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доцент*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Сайнова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доцент,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

- 45. Mirzaliyev U.B. Xasanov M.M.**
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ARXIVLAR FAOLIYATINI
TASHKIL ETISH BORASIDAGI ISHLAR VA ISLOHOTLAR.....362
- 46. Муминов А., Норов Ш.**
ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АМАЛИЁТ.....367
- 47. Норқўчқаров Х. Э., Мансуров У.Ж.**
АФФОНИСТОНДАГИ ЎЗБЕК ЗИЁЛИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
ФАОЛИЯТИ (XX АСРНИНГ II ЯРМИ - XXI АСР БОШЛАРИ).....373
- 48. Мўминова Г.Э.**
ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҶАСИНИНГ
ТАРАҚҚИЁТИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ.....379
- 49. Муталлибжонов М.М.**
ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРНИНГ ЁШЛАР СИЁСИЙ
ФАОЛЛИГИ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТИГА ТАЪСИРИ.....387
- 50. Нафиддинова Х.Р.**
БУХОРО ТҮЙ-ҲАШАМЛАРИ: ЎТМИШ ВА БУГУН.....392
- 51. Норматов О.**
ЎРТА ЗАРАФШОН ОКРУГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҶАЗАЛАР...398
- 52. Нурматова М.М.**
ЖУРЖИЙ ЗАЙДОННИНГ "ФАРҒОНА КЕЛИНИ" РОМАНИДА
ТАРИХИЙ ШАХСЛАРНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ.....405
- 53. Пардаев А.А.**
ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДАГИ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР
(1989-2019 ЙИЛЛАР).....410
- 54. Примова Ф.А.**
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ТАРИХИДА ЎЗБЕКИСТОНДА
ТАЪЛИМ ТАРБИЯНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИГИ
ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....416
- 55. Расулов А.М.**
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАРИХИДА ОММАВИЙ
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ.....424
- 56. Расулов Ҳ.М.**
ШАРҚ ВА ҒАРБ: СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ
КОМПОНЕНТЛАРИ УЙҒУНЛИГИ.....429

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

- 57.Рахматова Н.М.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТАРИХИДАН (XX АСРНИНГ
90-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....437
- 58.Рузматова Ш. А.**
XVII АСР ОХИРИ XVIII АСР БОШЛАРИДА ФАРФОНА
ВОДИЙСИДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР....444
- 59.Samatova F.N., Qurbonov B.G', Mahmudova N.**
O'ZBEKISTONNING MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI BILAN
SHANXAУ NAMKORLIK TASHKILOTI DOIRASIDAGI ALOQALARI.....452
- 60.Саттаров А.М.**
1946-1990 ЙИЛЛАРДА МИРЗАЧЎЛНИ ЎЗЛАШТИРИШДА
ФАРФОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИНИНГ КЎЧИРИЛИШИ ТАРИХИДАН..... 462
- 61.Тажимирзаев Э.**
АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРДА ФАРФОНА ВОДИЙСИ ҚИШЛОҚЛАРИ
АҲОЛИСИ ОРАСИДА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ
ТАРҚАЛИШИ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ
(1960-1970 ЙИЛЛАР).....469
- 62.Топилдиева М.Р.**
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ТАШКИЛ
ТОПИШИ ТАРИХИ.....476
- 63.Тошпўлатов Б.Ш.**
XX АСРДА ТУРКИСТОНДА ТИББИЁТ ЙЎНАЛИШИ
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.....484
- 64.Ўлжаева Ш.М., Тошпўлатова Н., Сурождидинова М.**
АМИР ТЕМУРНИНГ МЎҒУЛЛАРГА ВА МАҲАЛЛИЙ
ҲУКМДОРЛАРГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАГАН ҲАРБИЙ ҲИЙЛАЛАРИ
("ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ"МИСОЛИДА).....491
- 65.Тоштемирова Н.Д.**
ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ ИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....496
- 66.Турсунов А.А., Хамзаева Г.Н., Обидова О.А.**
МУҲАММАД ҲАКИМХОН ТЎРАНИНГ "МУНТАХАБ
АТ-ТАВОРИХ" АСАРИДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ДАВЛАТ
БОШҚАРУВИНИНГ ТАЛҚИН ЭТИЛИШИ.....502


ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Муминов Алишер
сиёсий фанлар доктори, профессор
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий Университети
a.muminov@nuu.uz

Норов Шойимардон
Тошкент вилояти Чирчиқ Давлат педагогика
институтининг катта ўқитувчиси
sh.norov@nuu.uz

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АМАЛИЁТ

For citation: Muminov Alisher, Norov Shoyimardon. SOCIAL PARTNERSHIP: FOREIGN EXPERIENCE AND PRACTICE IN UZBEKISTAN. Look to the past. 2020, SI, pp.367-372

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-46>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ижтимоий шериклик шаклланишининг асосий босқичлари кўриб чиқилади. Шунингдек, замонавий Ўзбекистонда ижтимоий шериклик ривожланишидаги хорижий тажрибанинг амалий аҳамияти аниқланди.

Калит сўзлар: ижтимоий шериклик, ислохотлар, давлат, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари, жамоат кенгаши, корхоналар, маҳалла.

Муминов Алишер,
доктор политических наук, профессор
Имени Мирзо Улуғбека
Национальный Университет Узбекистана
a.muminov@nuu.uz

Норов Шойимардон,
Ташкентская область Чирчикская государственная педагогика
старший преподаватель института

sh.norov@nuu.uz

СОЦИАЛЬНОЕ ПАРТНЕРСТВО: ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ И ПРАКТИКА В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В статье изучаются основные этапы формирования социального партнёрства. А также, раскрывается практическая значимость зарубежного опыта в развитии социального партнёрства в современном Узбекистане.

Ключевые слова: социальное партнерство, реформы, государство, институты гражданского общества, неправительственные некоммерческие организации, общественный совет, предприятия, махалля.

Muminov Alisher,

Doctor of Political Sciences, Professor

Name of Mirzo Ulugbek

National University of Uzbekistan

a.muminov@nuu.uz

Norov Shoyimardon,

Tashkent region Chirchik state pedagogy

senior lecturer of the institute

sh.norov@nuu.uz

SOCIAL PARTNERSHIP: FOREIGN EXPERIENCE AND PRACTICE IN UZBEKISTAN

ABSTRACT

The article studies the main stages of the formation of social partnership in the history of society. It also reveals the practical significance and foreign experience in the development of social partnership in modern Uzbekistan

Index Terms: social partnership, reforms, state, civil society institutes, nongovernmental noncommercial organizations, social council, business enterprises, makhalla.

Долзарблиги. XX аср сўнггида мустақилликка эришган халқимиз дунёдаги дривожланган мамлакатлар қаторига қўшилиш, адолатли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат шакллантиришни мақсад қилиб ўз олдига қўйди. Бу борада демократик давлатларга хос бўлган ва миллий қадриятларимизни ўзида ифодаладиган ижтимоий шериклик тамойилларининг жамият ҳаётига татбиқ этилиши тобора муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Ижтимоий шериклик ҳақида гапиришдан аввал унинг шаклланиши тарихига назар солсак.

Тарихий нуқтаи назардан дастлабки шериклик субъектлари: ишчи ва иш берувчи (ишлаб чиқариш воситаси эгалари) бўлган икки томонли ташкил этган. Бундай икки томонлама шериклик кейинчалик "бипартизм"[1] номини олди. Вақт ўтиши билан шериклар таркиби ўзгарди, кейинчалик музокаралар жараёнида давлат ҳам иштирок эта бошлади. Натижада юзага келган уч томонлама шериклик "учпартизм" (трипартизм)[2] деб номланди. Бу модель Ҳалқаромеҳнатташқилоти

(ХМТ) конвенциясида ҳам акс этган бўлиб, унга кўра, давлат ҳам ўзаро ижтимоий шерикликнинг субъекти бўлиб майдонга чиқади ҳамда ишчилар ва иш берувчилар уюшмалари билан бир қаторда умуммиллий шериклик-келишув шартномаларини имзолайдилар. Ниҳоят, ижтимоий шериклик субъектлари таркиби янада мураккаблашди - кўп даражали шериклик шакллари бошланди. Бу эса учпартизм принципига нафақат умуммиллий даражада, балки тармоқ ва қорхона даражасида ҳам амал қилиниши лозимлигини билдирар эди.

Ижтимоий шериклик масалаларига оид илмий адабиётларнинг таҳлили [3] бугунги кунда хориж амалиётида ижтимоий шериклик турли шаклларда намоён бўлаётганлигини, жумладан уларда ижтимоий шерикликнинг Герман (Австрия, Германия, Швейцария), Скандинав (Швеция, Норвегия, Дания) ва Америка (АҚШ, Англия) моделлари ҳақида сўз боришини кўрсатмоқда.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мазкур масалани ретроспектив нуқтаи назардан ўрганиш натижасида ижтимоий шерикликнинг қуйидаги шаклларда мавжудлигини қайд этиш мумкин:

1. Мослаштирилувчи шакл. Ижтимоий ва иқтисодий сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишда тadbиркорлар уюшмалари ва давлат билан бирга қасаба уюшмалари ҳам иштирок этади. Бу шакл учун жамоавий-шартномавий жараённинг юқори даражали марказлашуви хос. [4]

2. Аксил қасаба уюшмавий шакл. Ижтимоий соҳада қарорларни қабул қилиш жараёнида қасаба ташкилотлари ролини босқичма-босқич камайтириб бориш, бунда жамоавий-шартномалар самарадорлигининг пастлиги сабаб қилиб кўрсатилади. [5]

3. Плюралистик шакл. Унда жамоавий музокаралар номарказлаштирилади ва алоҳида қорхоналар, баъзан эса уларнинг филиаллари даражасигача туширилади. [6]

Биринчи шакл Скандинавия, Австралия, Нидерландия, қисман Германия ва Швейцария; иккинчиси - Франция, Италия (1950 й.); учинчиси Буюк Британия, Канада ва Японияга характерли ҳисобланади.

3. Тадқиқот натижалари:

Шимолӣ Европа мамлакатлари - Швеция, Финляндия, Норвегия, Бельгияда кенг тарқалган моделга кўра давлат меҳнат муносабатларида ва уларни бошқаришда фаол катнашади. Бундан ташқари, мазкур моделда умуммиллий, тармоқ ва қорхона-муассаса даражасидаги шерикчилик муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Бельгияда умуммиллий даражада меҳнат буйича миллий кенгаш фаолият юритади. [7] Унга ҳар учала ҳамкор ҳисобидан тенг сонли иштирокчилар киритилган. Давлат қонунчилик вазифасини ўз зиммасига олади. Тармоқ даражасида эса "паритет комиссиялар" тузилади. Қорхона-муассаса даражасида масалалар икки томонлама, яъни иш берувчи - қасаба уюшмаси муносабатлари асосида кечади. Баъзи мутахассисларнинг фикрича, [8] айнан мана шу шерикчилик туфайли жамиятда ижтимоий барқарорлик сақлаб қолинмоқда.

АҚШ, Канада, Япония ва Лотин Америкаси мамлакатларида ижтимоий шериклик қорхона-муассаса даражасида амал қилиши билан ажралиб туради. Бунда иш берувчилар бирлашмалари худди қасаба уюшмалари сингари, ўз вакиллари орқали қонун чиқариш жараёнига, шу орқали ижтимоий шерикларга ўз таъсирларини ўтказишга уринадилар.

Германия, Австрия, Голландия, Швейцария каби давлатларга хос моделни биринчи ва иккинчи моделларни боғловчи халқ сифатида эътироф этиш мумкин. Бу моделда асосий эътибор тармоқ даражасига қаратилади. Бутун мамлакат миқёсида

уч томонлама келишувлар қабул қилинмайди, балки мажбурий бўлмаган маслаҳатлар билан қифояланилади. Асосий музокара жараёни эса тармоқларда кечади. Корхоналарда жамоа шартномалари тузилмайди. Корхона тармоқ шартномасига амал қилади ва унинг талабларини бажаради. Бундай моделни татбиқ этишнинг шаклларида бири "намунавий" шартномадир. Мисол учун, Германия саноатидаги "JG Metall" компаниясининг шериклик шартномаси узоқ вақт бутун немис иқтисодийоти учун намуна вазифасини ўтаб келган.[9]

Умуман олганда, Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатлари даражасида ижтимоий шериклик фаол ривожланаётганлигини, иттифоқда уч томонлама ижтимоий шерикликнинг шакли кенгқўлланаётганлигини айтиш зарур.

Хусусан, уч томонлама (трипартизм) модели 1995 йилда Копенгаген шаҳрида, БМТ шафелигида ўтказилган ижтимоий тараққиёт мавзусидаги йиғилишда ҳам маъқулланган.[10] Мазкур анжуманда ижтимоий тараққиётга ёлғиз бозор механизмига таянган ҳолда эришиб бўлмаслиги алоҳида қайд этилган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда, қашшоқликка қарши кураш ва иш билан таъминлаш асосий вазифалар сифатида белгилаб олинган. Шу нуқтаи назардан ҳам шахс, жамият ва давлат муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи ижтимоий шериклик тизими маҳаллий қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқнинг қўлланиш амалиётини, шу жумладан, чет мамлакатлар қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўлланиш амалиётини (Франция, Бельгия, Италия, Германия, Жанубий Корея, Япония, Канада, Буюк Британия каби давлатлар тажрибасини), шунингдек, ҳалқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни атрофлича таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Маълумки, Франция ва Германияда жойларда ижтимоий шериклик лойиҳаларини режалаштириш, мувофиқлаштириш, амалга ошириш ва молиялаштириш учун масъулиятнинг катта қисми ҳудудий, округ ва муниципал таълим (ўзини ўзи бошқариш органлари) зиммасига юклатилган бўлса[11], Япония ва Корея Республикасида жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ННТлар орасида ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал этишга қаратилган турли дастур ва грантларни эълон қилишни кўзда тутувчи танловларни ўтказиш ҳуқуқига эгаллиги белгилаб қўйилган.[12]

Бир сўз билан айтганда, Герман модели учун ижтимоий шериклик демократияни мустаҳкамлаш, меҳнат муносабатларини тинч йул билан ҳал қилиш, ижтимоий кескинликларнинг олдини олиш воситаси бўлса, скандинав моделида ижтимоий фаровонлик кўрсаткичи ҳисобланади. Америка модели учун эса иқтисодий ўсишни таъминлаш устуворлик қилади. Австрияда ижтимоий шериклик маслаҳат кенгашлари ва қўмиталарининг филиаллари, умуммиллий ва тармоқлар бўйича эса тенглик асосидаги комиссиялар орқали амалга оширилади.

Ушбу моделларнинг асосий мақсади жамиятда ижтимоий келишув ва мувозанатни қарор топтириш бўлса-да, самарадорлик кўрсаткичи бўйича улар бир-биридан фарқ қилишини ҳам қайд этиш зарур.

Юқорида қайд этилганлар модель ва шакллар ижтимоий шериклик ғоясининг жаҳон тажрибасига доир узоқ йиллик ривожланиш ва такомиллашиш тарихи давомида катта тажриба тўплангани ва ундан турли мамлакатларда хилма-хил йўсинда фойдаланиш мумкинлигидан далолат беради. Мазкур ғоялар сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни сақлаш учун бугунги кундаги амалиётда кенг қўлланиб келинаётганлиги ҳақида ҳам хулоса қилиш мумкин.

Ижтимоий шериклик ва унинг моделларининг бундай таҳлили ривожланган мамлакатларда ва Ўзбекистонда бу масалага ёндашувда фарқлар мавжудлигини

кўрсатади.[13]

Юртимизда амалиётга татбиқ этилаётган ижтимоий шериклик модели шуниси билан аҳамиятлики, у халқимизнинг кайфияти, ҳуқуқ ва манфаатларини руёбга чиқариш билан боғлиқ барча соҳаларни камраб олади. Айни пайтда, ижтимоий шерикликда қатнашадиган субъектлар кўлами жуда кенг бўлиб, бу жамиятдаги барча аҳоли қатламлари манфаатларини самарали таъминлаш имконини яратади. Асосийси, мамлакатимизда шаклланиб бораётган ижтимоий шерикликнинг моделида юқорида тилга олинган моделларнинг вақт синовидан ўтган, ижобий жиҳатлари ўзининг яққол ифодасини топганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ижтимоий шериклик муносабатларининг истиқболда янада ривожлантирилиши мамлакатимизда барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим шартларидан бири бўлиб қолаверади. Айни шу маънодаги фалсафий ёндашув ижтимоий шериклик феномени, унинг кўп қиррали экани ва мавжуд тажрибани турли тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги ҳақида илмий таассуротни шакллантириш имконини беради. Ижтимоий шериклик жамиятда эҳтимолли низоларни мақбул йўл билан ҳал этиш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий барқарорликни қўллаб-қувватлашни ҳам назарда тутаяди. Кейинги пайтларда турли йўналишдаги илмий доира вакиллари унга қизиқишининг ортиши[14] мазкур феномендан ҳаётнинг турли жабҳаларида фойдаланиш имкони борлигини кўрсатади[15].

4. Хулосалар:

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантиришда ижтимоий шерикликнинг ўрнини ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан асослаш ва ретроспектив ўрганиш бу борада ниҳоятда муҳим аҳамиятга молик бир қатор жараёнларга алоҳида аҳамият бериш зарурлигини кўрсатади.

Бу борада жамиятнинг турли жабҳаларида (иқтисод, сиёсат, таълим, ижтимоий таъминот, маданият ва ҳ.к.) ижтимоий шериклик муносабатларининг самарали механизминини ишлаб чиқиш, уни ҳаётнинг барча соҳаларига татбиқ этишнинг мақбул йўллари ва усуллари излаб топиш муҳим масалалардандир.

Шу билан бирга, мазкур масалага комплекс ёндашиш, мавзуга тарихийлик ва замонавийлик диалектикаси нуқтаи назаридан қарашгина ушбу феноменнинг ички тузилиши, элементлари ва дифференциацияси, уни ривожлантириш динамикаси асосида мавжуд ҳолатни баҳолаш имконини беради. Мавзунинг мамлакатимиз ҳаётига хос хусусиятларини чуқур урганмасдан ва бу борадаги натижаларни ҳисобга олмай туриб, туб демократик ўзгаришлар ва етук фуқаролик жамияти талаблари даражасидаги ижтимоий шериклик тамойилларини амалга ошириб булмаслиги шубҳасиз.

Иқтибослар/Сноски/References

1. <https://vslovar.org.ru/jur/1614.html>
2. <https://www.vslovar.ru/jur/17267.html>
3. Михеев, В.А. Основы социального партнерства: теория и политика / В.А. Михеев. - М.: Экзамен, 2015. - 448 с. Борисова Г., Иванова С. Социальное партнерство как инструмент региональной образовательной политики // "Новые знания".- 2002. № 1. - С. 27-32., Социальное партнерство: Механизмы взаимодействия: (Сборник статей)/ Ред. А.М. Аверин. - Нижний Тагил: НТФ ИРРО. Вып.2. - 2002. - 34 с., Мирзакаримова М., Хайдаров М. Ижтимоий шериклик

ва самарали бандлик. Тошкент: Инновацион технологиялар маркази. ООО "КО'НИ-NUR". 2014. 294 б.

4. Бадхен М.Л., Черкасская Г.В. Социальное партнерство: концепция и реализация: Монография. СПб.: ЛГУ им. А.С. Пушкина, 2008. С. 95.

5. Бадхен М.Л., Черкасская Г.В. Социальное партнерство: концепция и реализация: Монография. СПб.: ЛГУ им. А.С. Пушкина, 2008. С. 95.

6. Бадхен М.Л., Черкасская Г.В. Социальное партнерство: концепция и реализация: Монография. СПб.: ЛГУ им. А.С. Пушкина, 2008. С. 95.

7. https://studme.org/55045/pravo/institut_sotsialnogo_partnerstva_trudovom_prave_zarubezhnyh_stran

8. http://www.pravo.gov.ru/proxy/ips/?doc_itself=&backlink=1&nd=116006725&page=1&rdk=1

9. <https://jg-metal.ru/lizing>

10. <https://www.un.org/ru/ga/50/docs/50res.shtml>

11. http://www.rusnauka.com/14_ENXXI_2009/Economics/42033.doc.htm

12. <http://ngo.uz/old/index.php/ru/novosti/240-sostoyalas-mezhdunarodnaya-konferentsiya>

13. Мирзакаримова М., Хайдаров М. Ижтимоий шериклик ва самарали бандлик. Тошкент: Инновацион технологиялар маркази. ООО "КО'НИ-NUR". 2014. 294 б.

14. http://mcfr.uz/ru/online/news/3346/?sphrase_id=25721

15. Muminov A., Muminov O., Norov Sh. Social partnership in Uzbekistan: status and prospects.// International Journal of Scientific & Technology Research. 9(2). pp. 5876-5878

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000